

α

Eto

**« Т А С Д И К Л А Й М А Н »**  
**/Фаргона шахар ички ишлар булими**  
**бошлиги милиция подполковниги**  
**Ш.У.Собиров**

«24» январ 2003 йил

**Фаргона шахар ХООБ профилактика инспектори милиция**  
**катта лейтенанти К.Отажоновнинг хизмат фаолияти давомида**  
**йул куйган камчиликлари юзасидан утказилган хизмат суриштируви**

**Х У Л О С А С И**

«24» январ 2003 йил

Фаргона шахри.

Мен, Фаргона шахар ИИБ ХООБ бошлиги милиция капитани И.Эргашев Фаргона шахар ИИБ ХООБ профилактика инспектори милиция катта лейтенанти К.Отажонов хизмат фаолияти давомида йул куйган камчиликлари юзасидан тупланган хужжатлар билан танишиб чикиб куйидагиларни

**А Н И К Л А Д И М**


2003 йилнинг январ ойини 23 куни Фаргона вилояти ИИБга Фаргона шахар Мичурин кучаси 36 уйда яшовчи 1926 йилда тутилган фукаро Лукянова Вера огзакни равишда ариза билан мурожат этиб унда 22.01.2003 йил куни соат 22-30ларда уни уйига уни таниши булган М.Тожибоева меҳмон булиб келган вақтида уни уйини узини Фаргона шахар ИИБ ХООБ профилактика инспектори милиция катта лейтенанти К.Отажонов деб таништирган шахс уни ва уни меҳмони Тожибоева Мни уятли сузлар билан хакорат этганлиги ва соат 22-00дан сунг ноқонуний равишда фукаралар тинчлигини бузиб, паспорт тизими буйича текширув утказмокчи булганлиги тугрисида мурожат этиб К.Отажоновга нисбатан чора куришликни сураган.

Олиб борилган суриштирув ишлари давомида аникланишича Фаргона шахар ИИБ ХООБ профилактика инспектори милиция катта лейтенанти К.Отажонов маҳалла посбони билан бирга узини маъмурий худудини куздан кечириб юрган вақтида унга бир фукаро Фаргона шахар Мичурин кучаси 26 уйга бир нотаниш шубхали куринган фукаро, давлат белгисиз «Тинко» русумли автомашинада келиб юкорида курсатиб утилган манзилган кириб кетганлигини тугрисида хабар олган, шундан сунг профилактика инспектори К.Отажонов ушбу маълумотни текшириб куришлик учун ушбу хонадонга кириб эшикни такиллатган, лекин ушбу хонадонда яшовчи фукаро Лукянова В. ва уни меҳмони булган аёл хам эшикни очмаган, шундан сунг уларни урталарида келишмовчилик юзага келган, шуни окибатида узини Мутабархон Тожибоева деб таништирган аёл билан профилактика инспектори уртасида огзакни равишда жанжал булиб утган, булиб утган воқеадан сунг М.Тожибоева вилоят ИИБ бошлигига огзакни равишда шикоят билан мурожат этган. Юкоридагиларни тасдиқлаб узини ёзма равишда берган тушунтириш хатида профилактика инспектори К.Отажонов ёзма равишда баён этган. Юкоридагиларга кура

## ХУЛОСА КИЛДИМ

1. Фаргона шаҳар ИИБ ХООБ профилактика инспектори милиция катта лейтенанти Кобилжон Отажонов хизмат фаолияти давомида йул қуйган камчиликлари юзасидан утказилган хизмат суриштируви яқунлаган деб ҳисоблансин.
2. Фаргона шаҳар ИИБ ХООБ профилактика инспектори милиция катта лейтенанти Қ. Отажонов Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 446 –сонли Буйруқ талабларига тулик жавоб бермасдан ва узини ҳатти ҳаракатлари билан ички ишлар идоралари ходимига зид ҳаракатлар содир этганлиги учун «Хайфсан» эълон қилинсин
3. Фаргона шаҳар ИИБ ХООБ профилактика катта инспектори милиция майори М.Тоштемировга қул остида хизмат қилаётган ходимлар билан яққа тартибдаги тарбиявий ишларни талаблар даражасида олиб бормаганлигини инобатга олиб «Оғохлантирилсин»
4. Фаргона шаҳар ИИБ ХООБ профилактика инспекторлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 446-сонли Буйруғи талаблари асосида хизматни олиб бориш, фуқаролар билан мулоқотда хушмуомилада бўлиш келгусида бундай камчиликларга йул қуймаслик мақсадида шаҳар ИИБ ХООБ шахсий таркиби уртасида қуриб чиқилсин
5. Хизмат суриштируви ҳулосаси маълумот учун вилоят ИИБ ШТБИХ га юборилсин

Фаргона шаҳар ИИБ ХООБ бошлиғи  
милиция капитани:-



И.Эргашев.